



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-yil, 23-fevral. Seshanba • 23 (32.082)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

МУНОСАБАТ

СОҒЛОМ БОЛАНИ СОҒЛОМ ОНА ДУНЁГА КЕЛТИРАДИ

Касбим шифокор бўлгани учун онанинг сиҳат-саломатлиги, бахту иқболи, тинчлик-хотиржамлиги аввало онага боғлиқлигини яхши тушунам. Она соғлом бўлса, фарзандлар соғлом, оила бахтли бўлади.

Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор, оналар саломатлигини сақлашга оид эзгу ишлар халқимиз калбидан чуқур жой олган. Бу борадаги давлат сиёсати «Соғлом она — соғлом бола» концепциясини ҳаётга чуқур татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2016 йилнинг мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши ҳамда мазкур йилдан қўланган олижаноб вазифаларни амалга ошириш мақсадида жорий йил 9 февраль куни тасдиқланган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури бугун умуммиллий ҳаракатга айланган ушбу ислохотларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Дастурда «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган ҳаётбахш қадриятни қарор топтиришга йўналтирилган, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жамиятда аёлларга ҳурмат-эҳтиром муҳитини янада мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни изчил давом эттириш кўзда тутилган.

Мазкур вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда аввало қизларимиз, бўлгуси оналар саломатлигига эътибор қаратиш, уларнинг таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, бир сўз билан айтганда, ҳаётга тайёр бўлиши муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда қизларни жисмонан соғлом, интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарга эга бўлиши таъминлаш, мустаҳкам ҳаётий позиция ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай савий-ҳаракатлар самараси қизларимизнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши, соғлом ва мустаҳкам оналар барпо бўлишида намоён бўлмоқда.

Бугунги қизларнинг соғлиги, фикрлаши, интилишлари 20-25 йил олдинги тенгдошлариникидан бутунлай фарқ қилади. Улар қобилияти, ҳаракатлари ва ютуқлари билан ҳаммани ҳайрон қолдирмоқда.

Коллективимизда тиббиёт ҳамшираси, даволаш иши ва фельдшерлик, фармацевт ассистенти, тиббий-профилактика иши, тиббий лаборатория иши йўналишларида 1420 ўқувчи, жумладан, 1074 нафар қиз таълим олаётди. Уларга 68 нафар педагог билан ва мутахассислик сирларини ўргатишмоқда.

Ўқитувчиларимиз таълим жараёнида қизларга тиббий билимлар билан бирга, соғлом турмуш тарзи, оила қуришга тайёргарлик, она бўлиш масъулияти юзасидан мунтазам тушунтириш ишлари олиб боради. Ушбу машғулотлар давомида эрта турмуш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари хусусида етарли билимга эга бўлган қизларимиз туманимиз бўйлаб тарғибот ишларини олиб боришда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Баъзи ота-оналарда ўз қизига, унинг келажагига нисбатан нотўғри қарашлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Бундайлар қизларининг касб эгаллашига бефарқ қараб, уларни тезроқ турмушга беришга ҳаракат қилади. Ана шундай салбий муносабат таъсирида кўпчилик қизларнинг орауларни амалга оширмай қолиб кетар эди. У бирор соҳанинг бошини туттиши, оила қуришга жисмонан тайёр бўлиши шарт. Бу ҳақиқатни унутган, тан олмаган одам ўз фарзандига ёмонлик қилган бўлади.

Жорий йилда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор тиббиёт муассасалари ишга туширилиши кўзда тутилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, уларни малакали ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминлаш зиммамиздаги муҳим вазифадир. Умуман, қабул қилинган Давлат дастури ижросида барча бирдек фаол иштирок этиши талаб этилади.

Президентимиз ташаббуси билан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг тасдиқланиши ва ҳаётга кенг жорий этилиши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириши ва самарадорлигини ошириши шубҳасиз.

Абдутолиб АБДУФАТТОВЕВ,
Жиззах вилоятидаги
Дўстлик тиббиёт коллежи директори.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ

мақсадли ва самарали сарфланиши керак

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2015 йилдаги фаолияти яқунлари кўриб чиқилди.

Палата бош инспектори Аҳмадали Ҳамроқуловнинг қайд этишича, Ҳисоб палатаси ўтган йилги фаолияти давомида бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш масаласига жиддий эътибор қаратди. Хусусан, Сирдарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида маҳаллий бюджет маблағларининг қонуний, мақсадли ҳамда самарали сарфланиши,

бюджетдан молиялаштирилувчи муассасаларнинг бу борадаги фаолияти устидан назорат олиб борди.

Таъкидландики, ҳисобот даврида 30 йўналишда 90 объекта амалга оширилган назорат тадбирларида давлат бюджети даромадлар қисмининг тўғри шаклланиши, унинг ижроси тўлиқ бажарилиши таҳлил этилди, бюджет даромадларининг асосий манбалар бўйича истиқбол кўрсаткичларининг ҳаққонийлигига баҳо берилди.

► Давоми 2-бетда.

САВОЛ ВА ЖАВОБ

— Ногирон болаларни тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) кўригидан ўтказиш тартиб-қоидалари ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз?

Мухлиса ТУРДИАЛИЕВА, Андижон вилояти.



Сақобиддин АРЗИҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги

ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 16 ёшгача бўлган ногирон болаларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўриқдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 16 январда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Эндиликда 16 ёшгача бўлган ногирон болалар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларининг тегишли йўланмасига асосан туман, туманлараро, шаҳар ва

ихтисослаштирилган тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан кўриқдан ўтказилади.

ТМЭКда кўриқдан ўтказиш ногирон боланинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиlining яшаш жойидаги даволаш профилактика муассасаларида тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан берилган тиббий хулосанинг асослигини ўрганиш мақсадида амалга оширилади. Тиббий хулоса ва боланинг ҳужжатлари тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан ўрганиб чиқилгач, ногирон болани кўриқдан ўтказиш ёки кўриқдан ўтказмасдан сирдан консултив хулоса чиқариш ҳақида коллегиял қарор қабул қилинади.

Болани ТМЭКдан ўтказиш ҳақида қарор қилинганди, кўриқдан ўтказиш вақти ва санаси кўрсатилган ҳолда талон расмийлаштирилади ва боланинг қонуний вакилига топширилади. Шунингдек, берилган тиббий хулосанинг асослигини юзасидан тиббий-меҳнат эксперт комиссияларининг консултив хулосаси чиқарилади.

Кўриқдан ўтказиш ва консултив хулоса чиқариш тиббий хулоса расмийлаштирилган кундан бошлаб етти иш куниди амалга оширилиши керак.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

БУГУНГИ ДАВР

ҳар бир сиёсий партиядан фаолликни талаб этади



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Бугун электорат муаммоларини ўрганишнинг энг самарали воситаси бошланғич ташкилотлар эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам куйи ташкилотлар билан маҳаллий Кенгаш депутатларининг ҳамкорлигини кучайтириш лозим. Партия ташкилотининг барча бўғинлари бир-бири билан боғлиқ ҳолда фаолият юритса, электорат манфаатлари самарали ҳимоя этилади.

2



Янгиланаётган Гулистон

Президентимизнинг 2015 йил 9 мартдаги фармойишида Гулистон шаҳрининг архитектурасини янгилаш ва шаҳар қиёфасига мос янги майдон ва ҳибдонлар барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш орқали архитектура ансамбллари ташкил этиш вазифаси белгиланган эди.

Бугунги кунда шаҳарда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Қурилаётган савдо мажмуаси ва деҳқон бозори 32 гектар майдонда қад ростлайди. Бу мажмуани қуриб битказиш учун 27 миллиард 400 миллион сўм маблағ ажратилган. Бу ҳақда Сирдарё вилоят ҳокимлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Айни пайтга келиб, қурилиш ишларининг 15 фоизидан ортиги бажарилди. Бунда бош пудратчи «Олмалик махсус комплекс» ОАЖ ва ёрдамчи пудратчиларнинг 130 нафар малакали усталари ҳамда Боёвот, Мирзаобод туманларидан жалб этилган ишчиларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Соғлом турмуш тарғиботи

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи асосида ташкил этиб келинаётган Соғломлаштириш ҳафталикларининг бу галгиси Пешку ва Вобкент туманларида ўтказилди. Бу ҳақда «Бухоронома» газетаси сайтида хабар берилган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Саломатлик ва тиббий статистика институти Бухоро филиали, ОИТСга қарши кураш маркази, давлат санитария-эпидемиология назорати, «Она ва бола» скрининг маркази ҳамкорлигида икки ҳафта давомида аҳоли орасида турли касалликларга қарши кураш мавзусига доир тарғибот ишлари олиб борилди, тиббий кўрик ўтказилди.

— Ҳафталик давомида 7 мактабгача таълим муассасаси, 6 мактаб, 10 маҳалла, 5 касб-хунар коллежи, 12 кишлоқ врачлик пунктида бўлиб, мулоқот ва давра сўхбатлари ўтказдик, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти филиали бўлим мудири **Осиё Мирзаева**. — Тадбирларда 4000 нафарга яқин аҳоли иштирок этди. Унга асосан қизлар, ўсимирлар ҳамда фертил ёшдаги аёллар жалб қилинди. Маърузаларда она ва бола саломатлигини таъминлаш, юқумли ва ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш, эрта турмуш, қариндошлар никоҳининг салбий оқибатлари ҳақида маълумот берилди.

Ишламоқчимисиз? Марҳамат, иш бор

Жалақудук тумани бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги матбуот хизматининг хабар беришича, ташкил этилган ярмаркада 33 корхона, ташкилот ва муассаса 203 бўш иш ўрини билан иштирок этди.

Ярмарка давомида 93 нафар фуқарога ишга жойлаштириш учун йўланма берилган бўлиб, улардан 35 нафари хотин-қиз, 20 нафари ёш, 11 нафари коллеж битирувчиси.

ЎЗХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

2016 йилнинг январь ойида ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА ИДОРАЛАРГА 8 ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ.

БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКISTON ХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ БЎЛИМИГА 4 МИНГ НАФАРДАН Ортиқ ЙИГИТ-КИЗ АЪЗО БЎЛГАН. УЛАР «ЁШ СИЁСАТЧИЛАР» КЛУБИ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ, ПАРТИЯ ҲОЯЛИНИ ТЕНГДОШЛАРИ ЎРТАСИДА КЕНГ ТАРФИБ ҚИЛИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

ЎЗХДП БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИГА 82 МУРОЖААТ БЎЛГАН. УЛАРНИНГ 70 ФОИЗИДАН Ортиғи ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛИБ, ҚОЛГАНЛАРИ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ.

МУНОСАБАТ

■ Наврўз байрамида меҳр-оқибат бўй-баста билан намоён бўлади. Қарияларга, ёрдамга муҳтож инсонларга алоҳида эътибор кўрсатилади.

ПАРТИЯМИЗНИНГ МАҚСАД- ВАЗИФАЛАРИ

Наврўз руҳи билан ҳамоҳангдир

Президентимизнинг 2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорини халқимиз жуда катта хурсандчилик билан кутиб олди. Унда юртдошларимизнинг кўп асрлик олижаноб орзу-интилишлари, азалий қадриятларимизга бўлган ҳурмат ва эҳтироми мужассамлашган. Шунинг учун ҳам ушбу байрам қадр-қиммати йил сайин ошиб бормоқда.

Дарҳақиқат, қарорда қайд этилганидек, Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орқиқиб кутадиغان, том маънодаги умумхалқ байрамига айланди.

Мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти унда белгилаб берилган вазифалар кенг жамоатчилик вакиллари, зиёлилар, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари томонидан ҳам қизгин ўрганилмоқда, фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.



Турсунўлат НОРБОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, Ўзбекистон
ХДП фракцияси аъзоси:

— Наврўз байрами руҳида яшариш, янгиликни фақат соғ-омон етганлик шукронаси, эртанги кунга, келажакка ишонч ўз ифодасини толган.

Ушбу айём мамлакатимизда энг қадимий, энг халқчил, энг сеvimли байрам сифатида кенг нишонланади. Бу ажойиб шодиёнинг халқимиз ҳаётида тутган маънавий-маърифий аҳамияти бекиёсдир.

Наврўз — тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик байрамидир. Дунёда бу каби улғувор умуминсоний

қадриятларни ўз ичига олган бирорта шодиёна топилмайди.

Бу байрам халқимизнинг улғу мақсадлари, эзгу тилақлари, уйғониш фақлига эҳтироми, она-табиатга меҳр-муҳаббатини ўзида мужассам этган.

Азалдан халқимиз йилнинг қандай келишини Наврўз билан боғлайди. Қадимдан бобо деҳқон ва чорвадорларимиз «Кўкларини берсин!» деган иборани ишлатишган. Бахорнинг яхши келиши, серёгин бўлиши риск-рўз бутунлиги, мўл-кўлчилик, фаровонлик белгиси саналган.

Қарорда кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлашда «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондлари ва бошқа ташкилотлар фаол иштирок этиши, байрам кунлари беморлар, муҳтожларга кўмак бериш ишларига бошқош бўлиши, бунга эл-юрт ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган оқсоқоллар, қайвониларни жалб этиши лозим. Бу ишларда депутатлар ҳам фаол иштирок этиш талаб этилади.

Наврўз кунлари ўтадиган тадбир, тантаналарни, халқ сайилларини, оммавий томошаларни юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, тўқин-сончинликнинг шукронаси, десак асло муболага бўлмайди.



Акрам АКБАРОВ,
халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят
Кенгашидаги
Ўзбекистон ХДП
гуруҳи аъзоси:

— Президентимиз қароридан Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улғу инсонлар, табаррук отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож кишиларга беғариз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга оширишга ургу берилгани жамиятимизда инсоннинг қадр-қиммати юксалиб бораётгани ифодасидир.

Меҳнат фаҳрийси сифатида шуни алоҳида таъкидлашни истардим. Биз кексаларга берилган ҳар қандай эътибор қайфиятимизни кўтариб, руҳиятимизни тетиклаштиради. Наврўз сингари улғу айём кунларида яқинларнинг ҳолидан хабар олиш, беғариз ёрдам кўрсатиш катта савоб, ёшлар учун ибратдир.

Қаерда муҳтожлар эътиборда, ёши улғулар ҳурматда бўлса, шубҳасиз, ўша юрт одамларида меҳр-оқибат, ҳамжихатлик мустаҳкам бўлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларида ҳам мазкур масалалар кенг ўрин олган.

Демак, қарор ижросини таъминлашда барча даражадаги партия ташкилотлари фаол иштирок этиши талаб этилади.

Жойларда ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирларида қадриятларимизнинг мазмун ва моҳиятини ёшлар онгига синдиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак бўлади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нурали ОРИПОВ тайёрлади.

ЎзХДП МАХАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши демократик янгилашни шароитида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган долзарб вазифаларга бағишлаб амалий семинар ўтказди.

Унда шаҳар партия ташкилоти масъул ходимлари, туман партия кенгашлари раҳбарлари, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ва ёшлар иштирок этди.

БУГУНГИ ДАВР

ҳар бир сиёсий партиядан фаолликни талаб этади



Семинарда алоҳида таъкидландики, бугунги давр ҳар бир сиёсий партиядан дадиллик ва ташаббускорликни талаб этмоқда. Ҳаёт тажрибасидан маълумки, замон билан ҳамнафас бўлмаган партия жамиятда ўз мавқеини мустаҳкамлай олмайди.

— Бугун мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарққиётида, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни тобора кенгайиб, таъсир кучи ортиб бормоқда, — дейди **Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Йўлдошева**. — Бу жараён биздан янада фаолроқ бўлишни талаб этади. Айниқса, маҳаллий Кенгашлардаги партия-миз гуруҳлари олдида долзарб вазифалар турибди. Депутатларга кенг ваколатлар берилган. Улар партияимиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш йўлида қатор ишларни амалга оширмоқда. Бироқ депутатларнинг барчаси ҳам бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланяпти, деб бўлмайди.

Бугун электорат муаммоларини ўрганишнинг энг самарали воситаси бошланғич ташкилотлар эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам қуйи ташкилотлар билан маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳамкорлигини кучайтириш лозим. Партия ташкилотининг барча бўғинлари бир-бири билан боғлиқ ҳолда фаолият юритса, электорат манфаатлари самарали ҳимоя этилади.

Тадбирда, шунингдек, **Чилонзор туман партия кенгаши раиси Рашид Мухиддинов**, **Тошкент шаҳар кенгаши бўлим мудири Бобур Мирзо Тўхтаев**, **Юнусобод туман партия кенгаши раиси**, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати **Нигора Эшметова** электорат манфаатлари билан боғлиқ муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда қонуний ваколатлардан унумли фойдаланиш, айниқса, вакиллик органларида маҳаллий ҳокимликлар мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш амалиётини кенг йўлга қўйиш, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини кучайтириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдиришди.

Семинарда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАНДЛИК

Унинг очилишига бағишланган тадбирда вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, касб-хунар коллежлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, битирувчиларнинг ота-оналари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Қаровсиз иморатни таъмирлаш, дастгоҳлар билан таъминлаш ишлари учун вилоят ҳокимлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси наشري «Маҳорат мактаби» газетаси ҳамда маҳаллий бюджетдан жами 365,2 миллион сўм маблағ ажратилди.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛДИ

Наманган шаҳридаги Давлатобод енгил саноат касб-хунар коллежида тикувчилик цехи ташкил этилди.

Натижада бино тўлиқ қайта таъмирланиб, иситиш тизими янгиланди, замонавий коммуникация тармоғига уланди. Корхонага Хитой ва Германия давлатларида ишлаб чиқарилган 65 тикув машинаси олиб келинди.

— Энг қувонарлиси, жорий йилда вилоятимиздаги касб-хунар коллежларини битирган ёшларнинг 140 нафари корхонаимизда доимий иш ўрнига эга бўлди, — дейди **корхона раҳбари, ЎзХДП фаоли Феруззахон Мелибоева**. — Корхонаимизда жами 160 иш ўрни яратилди. Ишчи-ҳодимларнинг асосий қисмини қизлар ташкил этади. Мазкур цехда иш икки сменада йўлга қўйилган.

Махсус касб кийимлари, кўрпа-ёстик жилдлари, ички кийимлар, коллеж ва мактаб ўқувчилари учун формалар ҳамда бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган цехга коллеж битирувчилари танлов асосида ишга қабул қилинмоқда.

Гулрух ТОШМАТОВА

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ

мақсадли ва самарали сарфланиши керак

Фарҳод УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

— Фракцияимиз мамлакатимизда давлат бюджетини режалаштириш, қабул қилиш, ижро этиш ва назоратини юритиш, давлат молиявий тизимини бошқариш самардорлигини ошириш борасида муҳим ислохотлар амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этади.

Ҳисоб палатасининг ўтган йилдаги фаолияти таҳлили натижалари ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағларнинг қанчалик самарали ишлатилаётгани ҳақида ҳолис ҳулоса чиқариб олишга, тегишли чоралар белгилашга асос бўлади. Бу эса Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсад-



лари рўёбга чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, кам таъминланган ва ёш болалари оилаларга ижтимоий нафақаларнинг тўлинишига доир молиявий масалалар ўрганилгани электоратимиз вакиллари билан манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Алия ЮНУСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

— Ҳисоб палатасининг назорат тадбирлари доирасида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан

ташқари Пенсия жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси, шунингдек, Йўл жамғармаси маблағларининг сарф этилишида, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга нафақалар тайинлашда камчилик ва ноҳолис ёндашувлар борлиги аниқланган.

Шу билан бирга, Сирдарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида молиявий камчиликлар ва мақсадсиз харажатларнинг ошиб бораётганини маълум бўлди. Хусусан,

ишга жойлаштирилган, деб ҳисобланган битирувчилар орасида амалда ишламаётганлари оз эмаслиги, битирувчиларнинг иш билан таъминланганини партияимиз электорати манфаатлари билан бевосита боғлиқ жиҳдий муаммолар саналди. Фракция келгусидаги фаолиятида бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиши лозим, деб ўйлайман.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, келгусида уларга йўл қўймаслик борасида олиб борилган ишлар юзасидан парламент эши-

тувларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Йигилишда Ҳисоб палатасининг бошқа йўналишлардаги фаолияти ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, сиёсий партиялар молиявий даромадлари шаклланиши ҳамда уларнинг мақсадли сарфланиши ўрганилиб, тегишли таклифлар билдирилгани уларнинг молиявий йўналишдаги фаолиятини такомиллаштиришда катта ёрдам бериши таъкидланди.

ЎзХДП фракцияси Ҳисоб палатаси 2015 йилги фаолияти давомида фақат етказилган зарарларни ундириш билан чекланиб қолмасдан, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлагани, қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадлида вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда амалий ишлар қўлаётганини ижобий баҳолади.

Фракция ўз таклиф ва тавсияларини берган ҳолда Ҳисоб палатасининг 2015 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини маъқуллади. Йигилишда, шунингдек, фракция аъзолари «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «2014-2018 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИНГ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, ОНАЛАР, БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СОҒЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ БЎЙИЧА НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРДИ. МАСАЛА ПАРТИЯ ГУРУҲИДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ, ТЕГИШЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ХУКУҚИЙ ИСЛОХОТ


■ Норматив-ҳуқуқий ҳужжат Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.



Тошкент ахборот технологиялари университети дастурчилари тасвири идентификациялашга мўлжалланган UZ дастурини ишлаб чиқди. Бу ҳақда Интеллектуал мулк агентлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

UZ дастури тасвири идентификациялашда қўлланилади

Ушбу дастур суратлар билан ишлашга мўлжалланган бўлиб, тасвирлардаги ўхшашликни аниқлашда қўлланилади. Қай-сидир объект ҳақида маълумот керак бўлса, унинг сурати қурилмага киритилиши. Дастур автоматик равишда маълумотлар базасидан тасвири идентификация белгиларини аниқлайди ҳамда уларни кузатилаётган объект билан солиштирган ҳолда ўхшашлигини кўрсатади.



Ушбу дастур учун муаллифлар жамоасига ДГУ 03428 рақамли гувоҳнома берилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Table with exchange rates for various currencies: Австралия доллари, Англия фунт стерлинги, Дания кронаси, БҲА дирҳами, АҚШ доллари, Миср фунти, Исландия кронаси, Канада доллари, Хитой юани, Россия рубли, Украина гривнаси, Малайзия ринггити, Польша злотийси, СДР, Туркия лираси, Швейцария франки, ЕВРО, Жанубий Корея вони, Япония иенаси.

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифати ошмоқда, жамият манфаатига самарали хизмат қилмоқда

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари замон талабларига мос равишда яратилди. Уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида миллий тажриба тўланди, ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш, ягона реестрини юритиш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини ошириш мақсадида янги таҳрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг 3-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари аниқлаштирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Қонуннинг яна бир янги жиҳати, унга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш, тайёрлаш тартиби ва уларни экспертизадан ўтказиш масалаларига бағишланган алоҳида боб киритилган. Унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг режаларини (дастурларини) ишлаб чиқиши ҳамда тасдиқлаш мумкинлиги тўғрисидаги қондалар ўз ифодасини топган.

ЭЪЛОН Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

«ОАВларининг ижтимоий-иқтисодий дастурлар амалга оширилишининг боришини ёритишга, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» мавзусида ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланганлигини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

- 1. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг амалга оширилишининг бориши ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг соғлом фарзандни тарбиялашдаги ролини ошириш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини очиб берадиган аниқ мисолларга асосланган махсус телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар, мақолалар, репортажлар тайёрлаш.
2. Ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурларини, жумладан, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда ННТлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши.
3. 2011, 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган, давлат ҳокимияти ва бошқаруви янада демократлаштиришга қаратилган тузатишларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.
4. Давлат органлари томонидан қабул қилинаётган, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорлардан аҳолининг, фуқаролик жамияти

жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни, шунингдек, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шароитларни аниқлашга оид нормалар белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси муҳим аҳамият касб этади. Қонунда ҳуқуқий экспертизага алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилиши белгиланган. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шартли яратилган, тадбиркорлик субъектлари учун асосий харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларнинг жорий этилиши қондалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш кўзда тутилган.

Шу ўринда таъкидлаш керак, 2013 йил 1 февралда Ақлия вазирлиги ушбу Қонунга мувофиқ «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмиyllаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома қабул қилинган. Йўриқномада лойиҳаларни тайёрлашни ташкиллаштириш, унинг матнига ва тузилишига қўйилган талаблар, лойиҳани расмиyllаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати томонидан лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, шунингдек, лойиҳани манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиш, уни ақлия бошқармасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва бошқа бир қанча нормалар ўз ифодасини топган.

Қонунда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш



лаблар, лойиҳани расмиyllаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати ходими томонидан лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, шунингдек, лойиҳани манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиш, уни ақлия бошқармасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва бошқа бир қанча нормалар ўз ифодасини топган.

Қонуннинг муҳим томонларидан яна бири, унда вазирликлар, давлат кўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик механизми ҳам батафсил ёритиб берилган. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи бел-халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қондаларини, тегишли халқаро тажрибани, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шартлида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли тақлифларни кетма-кетлик тартибидан кўрсатган ҳолда тахлилий қиёсий жадалларни тайёрлаш шартлиги белгиланган. Шу билан бирга, халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг принциплари, қондалари ҳамда таърифларининг тайёрланган батафсил тахлилини ўз ичига олган қиёсий жадаллар

учун асос бўлмаслиги ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмаслиги қайд қилинган. Шунингдек, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга жорий этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Албатта, бу нормаларнинг киритилиши мансабдор шахсларнинг ушбу соҳадаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати ва уларнинг эълон қилинишига ҳам қўшимча талаблар белгиланган. Хусусан, қонун лойиҳасини ўз қабул қилувчи органига киритаётганда халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қондаларини, тегишли халқаро тажрибани, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шартлида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли тақлифларни кетма-кетлик тартибидан кўрсатган ҳолда тахлилий қиёсий жадалларни тайёрлаш шартлиги белгиланган. Шу билан бирга, халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг принциплари, қондалари ҳамда таърифларининг тайёрланган батафсил тахлилини ўз ичига олган қиёсий жадаллар

киритилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилмаслиги ҳақидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Алоҳида қайд этиш керакки, қонунда вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шакллари уларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши шартлиги белгиланганлиги фуқароларнинг қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида тезкор ахборот олишида муҳим аҳамият касб этади.

Мухтасар қилиб айтганда, янги таҳрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун лойиҳаларининг сифатини тубдан яхшилашга, қонунларда тафовутларга, тақрорийликка йўл қўймасликка, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатларини камайитиришга, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжуд қонунларга ҳамда социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Давронбек ОЛИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.

Японияда фаолият кўрсатадиган JTB Corporation, Hanky Travel, World Air-Sea Service, Overseas Tour Operators Association of Japan (OTOA) ва Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси — (JATA) сингари етакчи сайёҳлик компаниялари ўзларининг веб-саҳифаларида Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳиятига бағишланган мақолаларни эълон қилди.

Ўзбекистон туриндустрияси Япониядаги сайёҳлик компанияларни ўзига жалб этмоқда

Мазкур мақолаларда республикамиз сайёҳлик индустриясини янада ривожлантириш учун катта имкониятларга эга эканлиги қайд этилган. Уларда Буюк Ипак йўлидаги Ўзбекистоннинг қудратли жойлашуви, республикамизнинг турли давр ва цивилизацияларга хос бўлган 7000 дан зиёд ёдгорликларга эга эканлиги ва уларнинг кўпчилиги ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатидан жой олгани алоҳида қайд этилган.

«Биргина Шарқ дурдонаси — Самарқанднинг ўзига бугунги кунда бутун жаҳонга машҳур бўлган Урта аср Шарқ мейморчилигининг энг гузал намуналарини ўзига жо қилган Регистон мейморий ансамбли, Улугбек расадхонаси, Бибиноним масжиди, Амир Темури мақбараси сингари қўпгина диққатга сазовор жойлар мавжуд. Бухоро ва Хива ҳам ўзларининг маҳобатли миноралари, масжид ва мадрасалари, савдо гумбазлари ва бозорлари, ҳовузлари ҳамда майдонлари билан меҳмонлари ошурта қилмоқда.

JTB Corporation ўз ўқувчиларини республикамизда ушбу жаҳонга ривожлантиришга қаратилган катта эътибор билан атрофдаги таништирган. «Президент Ислам Каримовнинг 1992 йил 27 июлдаги Фармонида Биноан «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ташкил қилинди. Унга давлатнинг ушбу йўналишдаги сивасини амалга ошириш, сайёҳликни ривожлантиришнинг миллий моделини шакллантириш вазифаси юкланди. 1999 йили «Сайёҳлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун қабул қилинди. Бундан қўланган асосий мақсад меҳмондўстлик индустриясидаги муносабатларни, шунингдек, сайёҳчиларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳамда ушбу соҳа субъектларини ҳимоя қилишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш билан изоҳланади», деб ёзади JTB Corporation.

World Air-Sea Service порталида эълон қилинган мақолада эса Ўзбекистонда ички ривожланаётган замонавий сайёҳлик инфратузилмасига, жаҳон андозаларига жавоб берадиган транспорт тизими алоҳида эътибор қаратилган. «Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Фарғона ва Навоийда халқаро аэропорт мақомига эга бўлган ҳаво бандаргоҳлари фаолият кўрсатмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси энг замонавий Boeing ва Airbus авиалайнерларига эга бўлиб, Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Американинг 50 дан зиёд мамлакатига мунтазам ҳаво катновларини амалга оширмоқда. Тошкент — Самарқанд ҳамда Тошкент — Қарши шаҳарлари ўртасида Испаниянинг PATENTES TALGO S.L компаниясида ишлаб чиқарилган, қўриқ тезликда ҳаракатланадиган Afrosiyo поездлари қатнамоқда.

Шунингдек, япониялик туроператорлар мамлакатимиз сайёҳлигининг янги турлари, шу жумладан, экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишлардаги сайёҳлик ҳамда альпинизм, рафтинг, балзх ови йўналишларида ҳам катта ўсишга эришганини ўз ўқувчиларига маълум қилган. Юқорида номлари тилга олинган манбаларда эътироз этилишича, «буларнинг барчаси республика раҳбарияти томонидан сайёҳлик соҳасида оқилона сиёсат олиб борилаётганидан далолат беради».

«Жаҳон» АА, Токио.

«Агробанк» АТБ жамоаси банк ходими Фарида Ҳақимовага падари бузруквор

Ҳалим ҲАКИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.

Каттақўрғон тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими жамоаси 82-умумтаълим мактаби директори Уктам Тўрақулловага таъзия вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор қилади.

СПОРТ

■ Осиёнинг энг кучли 5 жамоаси 10 сентябрь — 2 октябрь кунлари Колумбияда ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашади.

Ўзбекистон футболчилари

XIV Осиё чемпионатида матонат ва жасорат кўрсатиб, кумуш медални қўлга киритишди. Энг муҳими, улар мухлислар ҳурмати ва меҳрига сазовор бўлишди.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» ва «Универсал» спорт саройларида футбол бўйича XIV Осиё чемпионати баҳслари юқори савияда ўтказилди.

Нуфузли мусобақа финалида Ўзбекистон терма жамоаси эронликларга қарши майдонга тушди. Ҳал қилувчи баҳс олтидан кўпчилик мутахассис ва мухлислар эронликларнинг йирик галабасини тахмин қилишаётганди. Чунки улар гуруҳ ва «плей-офф» босқичларида рақиблари устидан фақат йирик ҳисобларда устун келишаётганди. Қолаверса, Эрон терма жамоасининг мунтазам жаҳон чемпионатида иштирок этиб келаётгани, ҳатто чемпионатнинг ярим финалчиси ҳамда дунё футбол рейтингига кучли олтиликдан ўрин олгани ҳам шундай тахминга замин яратарди.

Ҳамюртларимиз ўйинни кўтаринки рунда бошлашди. 6-дақиқада Дилшод Ирсалиев рақиб дарвозасини ишғол қилди. Таркибида бир қатор тажрибали футболчиларга эга эронликлар танлашга қадар икки бор муваффақият қозониб, ҳисобда олдинга чиқиб олдилар — 1:2.

Иккинчи бўлимда терма жамоамиз аъзолари қатор имкониятларга эга бўлишди. Аммо юзага келган вазиятлардан унумли фойдалана олишмади. Шундай қилиб, тенг курашлар остида кечган муҳим учрашувда ҳамюртларимиз кичик фарқ билан ютказди ва тўртинчи маротаба Осиё чемпионати кумуш медали билан тақдирландилар.

— Гарчи, финалда рақибга имкониятни бой берган бўлсак-да, дунёнинг етакчи терма жамоаларидан бирига қарши муносиб ўйин намойиш эта олдик, — деди учрашувдан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Хосе Мария Мендес. — Рақибимизни пухта ўрганганимиз ва йигитларда галабага бўлган катта иштиёқ эвазига бугун чиройли ўйин кўрсатдик. Учрашув давомида ташаббусга ҳам эга бўлдик. Бироқ айрим вазиятларда йигитларимизга аниқлик ва омад етишмади.



Сайяр ШОТУЛАГАНОВ олган сурат.

Бугун чемпионат давомида жамоамизни қўллаб-қувватлаган кўпсонли мухлисларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Йигирма йиллик фаолиятим давомида ҳеч қаерда бунақа ишқибозларни кўрмагандим.

Осиё чемпионати ортда қолди. Олдинда бизни Колумбияда бўладиган жаҳон чемпионати кутмоқда. Унда бир-биридан кучли ва жиддий рақибларга қарши майдонга чиқамиз.

Мақсадимиз — Колумбияда ўтадиган мусобақада янада ёрқин ўйинлар намойиш этиб, бежизга қитъа чемпионатида кумуш медал билан тақдирланмаганимизни исботлашга ҳаракат қиламиз.

Учинчи ўрин учун кечган баҳсда Таиланд футболчилари вьетнамликларга ҳеч қандай имконият қолдиришмади — 8:0.

Қарий икки ҳафта давом этган Осиё чемпионатида нафақат ғолиб ва

совриндорлар, балки навбатдаги жаҳон чемпионатида қатнашувчи бешта кучли жамоа номи ҳам маълум бўлди. Булар — ЎЗБЕКИСТОН, Эрон, Таиланд, Вьетнам ҳамда Австралия терма жамоаларидир. Энди бу жамоалар жорий йилнинг 10 сентябрь — 2 октябрь кунлари Колумбияда бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этади.

Эркин ХОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Хўш, кодексни янги таҳрирда қабул қилиш сабаблари ва аҳамияти нимадан иборат? Давлат божхона кўмитаси ташкил этган матбуот анжуманида шу ҳақида ахборот берилди.

Янги таҳрирдаги Божхона кодекси жорий йил 21 апрелдан кучга кирази

Маълумотларга кўра, бугунги кунга қадар амалдаги Божхона кодекси ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонундан ташқари соҳага оид 350 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунинг учун қонуности ҳужжатларининг сони ва доирасини қисқартириш, ишончли механизм яратиш, божхона ташкилий-ҳуқуқий меъёrlарининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш зарурати пайдо бўлган. Натижада самарали божхона назоратини ташкил этиш, ташқи савдо операциялари ривожланишини рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, ташқи иқтисодий фаолият, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига максимал даражада қулайликлар яратиш мақсадида Божхона кодекси янги таҳрирда қабул қилинган.

Кўпчиликнинг тўлаш учун гул маблағлари тушунчаси ҳам кўзда тутилди. Бу орқали божхона тўловларини тўлаш ҳамда давлат бюджетига ўтказиш расмийликларини соддалаштирилди. Янги таҳрирдаги кодекс амалдаги божхона декларацияларидан кенг фойдаланишни назарда tutади. Шу ўринда бир маълумотга тўхталиб ўтиш жоиз. 2013 йилда республикамизда товарларни божхонада электрон тарзда декларациялаш жорий қилинган бўлиб, уша йили ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан 39,2 фоиз божхона декларациялари электрон шаклда тақдим этилган. Бугунга келиб эса бу кўрсаткич 99 фоиздан ошди.

Кўпчиликнинг тўлаш учун гул маблағлари тушунчаси ҳам кўзда тутилди. Бу орқали божхона тўловларини тўлаш ҳамда давлат бюджетига ўтказиш расмийликларини соддалаштирилди. Янги таҳрирдаги Божхона кодексида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига қўллаб-қувватлаш ва қулайликлар назарда тутилган. Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Ровшон ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Ушбу марказ университетнинг илмий-тадқиқот ва инновацион салоҳиятини ошириш, илмий ишланмаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети қошида инновациялар ва саноат кооперацияларининг янги маркази ташкил этилди

Шу билан бирга, марказ университет талабаларини мақсадли дастурлар тайёрлашга жалб этиш, илгор лойиҳа ҳамда ишланмаларнинг ички ва ташқи бозорга чиқишига кўмаклашиб, назарий билимларини амалиётда қўлланилишига имкон яратарди.

Университет расмий сайтыда хабар қилинишича, марказ маҳаллий ва халқаро компания, ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб, АКТ соҳасида муҳим лойиҳаларни амалга оширади.

Сабина Шарипова

Нью-Дехлида бош мукофотни қўлга киритди

Хиндистоннинг Нью-Дехли шаҳрида соврин жамғармаси 25 минг АҚШ доллари бўлган теннис турнири якунланди. Бу ҳақда olamsport.com сайты хабар бермоқда.

Ҳамюртларимиз Сабина Шарипова ушбу турнир голиби бўлди. Мусобақада олтинчи рақам остида ҳаракат қилган теннисчимиз финал учрашувидан, сербиялик Нина Стояновичи 3:6, 6:2, 6:4 ҳисобида мағлуб этиб, бош мукофотни қўлга киритди. Бу унинг бешинчи ютуғидир.

Сабина Шарипова дастлаб мезбон Совжания Бовисеттини 6:2, 6:3, иккинчи босқичда россиялик Вероника Кудерметовани 6:3, 6:0, чорак финалда Хитой Тайпейи вакили Я-Хсуан Лини 6:3, 6:3, ярим финалда хиндистонлик Анкита Райнани 6:3, 6:4 ҳисобида мағлуб этганди.

Нишонда янги маданият маскани фойдаланишга топширилди

Нишон туманидаги Пах-тазор қишлоғида маданият ва аҳоли дам олиш маркази капитал таъмирланди. Қурилиш ишларига 560 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Марказда маънавий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган 150 ўринли зал ҳамда бадий ҳаваскорлик жамоалари машғулот ўтказадиган хоналар мавжуд.

«Қашқадарё» газетаси сайтыда ёзилган, бу ерда бичиш-тиқиш, тасвирий санъат тўғрисидаги фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

КАПИТАЛБАНК Кредитлари аҳоли бандлигига хизмат қилмоқда

Мамлакатимиздаги тижорат банклари янгидан-янги хизмат турлари жорий этиб, кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. «Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки фаолияти бунга мисол бўла олади.

Хусусан, молия муассасаси томонидан Президентимизнинг Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармони талаблари асосида 2016 йил 1 февраль ҳолатига кўра, тадбиркор аёлларга жами 3 644 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шунингдек, хизмат кўрсатилди.

Мамлакатимиздаги тижорат банклари янгидан-янги хизмат турлари жорий этиб, кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Рустам Махмудходжаев, «CHILON LUBRICANTS» МЧЖ раҳбари:

— Корхонамиз 2014 йилда иш бошлаган. Турли хилдаги автомобиль ва техник мойлар ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз.

Ишимиз юришиб кетди. Қўшимча тўрт хилдаги мойлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Маҳсулотлар сифати янада ошиб, харидорлар ҳам қўлайди. Ҳозирга қадар 2 700 миллион сўм миқдорда маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришдик. Лойиҳамиз рўёбга чиқиши ҳисобига 15 янги иш ўрни яратилди. Келажакда «Капиталбанк» билан ҳамкорликни давом эттириш, хизмат турларини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ниятидамыз.

Эрнуплат Бекманов, «NUKUS BREAD PRODUCTS» МЧЖ раҳбари:

— Ўртимизда тадбиркорликка кенг имконият ва рағбат берилган бўлгани боис, фаолиятимизни кенгайтириш учун 2014 йилда дастлаб 19,6 миллион сўм, сўнгра 22,0 миллион сўм, ўтган йили эса 120,0 миллион сўм миқдорда кредитлар олдик. Сармоялар ҳисобига корхонамиз ишлаб чиқариш ҳажми янада ошди. Қўшимча иш ўринлари яратилди. Кредитларни ўз вақтида қайтариб, қўшимча даромад олишга ҳам эришдик. «Капиталбанк» кредитларидан унумли фойдаланиб, ишимизни кенгайтиришга муваффақ бўлдик. Келгусида ҳам банк билан ҳамкорликни давом эттирмоқчимиз.

Шаҳноза РЎЗИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

AVTOSALON «SARDOR AVTO INVEST» advertisement featuring ZAZ, LADA, and UAZ vehicles with contact information for the dealership.

«Toshkent universal auksion savdo» МЧЖ advertisement for an auction house, listing services and contact details.

Table with exchange rates for various currencies and locations, including Uzbekistan, Tajikistan, and Kyrgyzstan.

MUASSIS logo and contact information for the organization.

TAHRIR HAY'ATI: List of editorial board members including Abdulla Oripov, Hotamjon Ketmonov, and others.

Qabulxonа — 233-65-45 contact information and details for the reception area.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Advertisement for the newspaper's publication schedule.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV contact information and ISSN details.